

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСЛОМОВА СОХИБАХОН ИСМОИЛЖОНОВНА
ЧЎЛПОН ШЕЪРЛАРИНИНГ МАТНИЙ ТАДҚИҚИ ВА ИЛМИЙ-
ТАНҚИДИЙ МАТНИНИ ЯРАТИШ

10.00.02 - Ўзбек адабиёти
10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Исломова Сохибахон Исмоилжоновна

Чўлпон шеърларининг матний тадқиқи ва илмий-танқидий
матнини яратиш 3

Исламова Сохибахон Исмаилджановна

Текстологическое исследование стихотворений Чулпана и
создание научно-критического текста
.....26

Islomova Sokhibakhon Ismaildjanovna

Text research and scientific critical text of Chulpon's
poem.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works
Список опубликованных работ 55

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИСЛОМОВА СОХИБАХОН ИСМОИЛЖОНОВНА
ЧЎЛПОН ШЕЪРЛАРИНИНГ МАТНИЙ ТАДҚИҚИ ВА ИЛМИЙ-
ТАНҚИДИЙ МАТНИНИ ЯРАТИШ

10.00.02 - Ўзбек адабиёти
10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Андижон – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil467 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Андижон давлат университети веб-сайти (www.adu.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қуронов Дилмурод Хайдаралиевич филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Жабборов Нурбой Абдулҳакимович филология фанлари доктори, профессор Йўлдошев Нормат Темирович филология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Қўқон давлат педагогика институти

Диссертация химояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи, PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» сентябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Тел: 0 (374) 223-88-14; факс: 0 (374) 223-88-30; e-mail: agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Тел: 0 (374) 223-88-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «16» 09. кун таркатилди.
(2021 йил «___» _____ даги «___» рақамли реестр баённомаси).

Шаҳобитдинова Ш.Х.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.ф.д., профессор

Усманов Ф.Ф.
Илмий даражалар берувчи кенгаш
котиби, ф.ф.ф.д.

Курбонов С.К.
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қўшма раёси, ф.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида муайян ижодкор асарларининг илмий-танқидий матнини яратиш масаласи долзарб муаммолардан саналади. Бугунги кунда бадиий асарнинг турли нашрларини қиёсий тадқиқ этиш, мавжуд фарқларнинг объектив ва субъектив сабабларини аниқлаш ҳамда шу асосда матний хатолари бартараф этилган, график шакллантирилиши аслияти билан мувофиқ келувчи илмий-танқидий матнни яратиш ишларига қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Дунё адабиётшунослиги амалиётида турли-туман сабаблар билан бир асарнинг турли нашр вариантлари вужудга келиб қоладики, бу ҳол муаммони ҳамиша долзарб қилиб қўяди. Ижодкор асарини кўпинча ҳар бир нашр олдидан таҳрир қилиши ва матнга муайян ўзгартиришлар киритиши, конкрет нашр мақсади, адресати билан боғлиқ киритилувчи ўзгартиришлар, турли ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий шарт-шароитлар матнда сезиларли из қолдириши мумкин. Бу ҳол машҳур ижодкорлар асарларининг фанга маълум бўлган турли нашрлари билан асарнинг кўлэзма вариантлари, сўнгги йилларда аниқланаётган нусхаларини ўзаро қиёслаган ҳолда тафовутларни ва уларнинг сабабларини аниқлаб, илмий-танқидий матнини яратиш заруратини юзага келтиради.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам маълум бир ижодкор асарларининг матний тадқиқи бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, О.Ёқубов, Э.Воҳидов, А.Орипов сингари XX аср адабиётининг йирик вакиллари ижодий мероси бу жиҳатдан махсус тадқиқ этишга материал беради. Айниқса, асарларининг кўлэзмалари сақланмаган жаҳид ижодкорлар, хусусан, ҳаётлик давридаги асарларининг нашрлари (асос манба) билан вафотидан сўнг қарийб ярим аср ўтиб чоп этила бошланган қайта нашр нусхалари ўртасида кўплаб матний ўзгаришлар кузатилувчи Чўлпон меросини матний тадқиқ этиш бугунга келиб ўта долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек: “Буюк юртдошимиз Абдулҳамид Чўлпонни олайлик. XX аср бошларидаги миллатимиз тақдирини, унинг бошига тушган фожеаларни, озодлик ва эркинлик қадрини ҳеч ким бу мумтоз шоиримиз каби юксак пардаларда қуйлаган эмас”¹. Ушбу эътироф ҳам шоир ижодининг ёш авлод тарбиясидаги маънавий-маърифий аҳамиятини кўрсатиш билан бирга, адабиётшунослар олдига Чўлпон ижодини янада чуқурроқ ўрганиш, хусусан, шоир шеърларининг аслий матнларига мос илмий-оммабоп, илмий-танқидий матнларини яратиш заруратини ҳам қўяди.

¹Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 9.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Чўлпон асарларининг қайта нашрлари 1987 йилдан бошланган бўлса ҳам, асосан, мустақиллик йилларида амалга оширилди. Шоир шеърларининг аксарияти аниқланмагани учун, аввало, уларни излаб топиш ва истеъмолга киритиш учун бу ишга жуда кўп инсонлар бош қўшди. Ўзбек халқи Чўлпон шеърларини зўр соғинч билан кутиб олди, шунинг учун нашриётлар шоир қаламига мансуб асарларни кетма-кет чоп эта бошлади. Чўлпон асарларини нашрга тайёрлашда О.Шарафиддинов, Н.Каримов, З.Эшонова, Б.Дўстқораев, Д.Қурононов, И.Ҳаққул, С.Аҳмедов, Ш.Турдимов каби олимлар жонбозлик кўрсатдилар, лекин улар, асосан, амалий иш бажардилар. Шунингдек, уларнинг ҳаракати билан сўзбошилар, изоҳлар яратилди. Турли нашрларга қилинган сўзбошиларда, ёзилган изоҳларда Чўлпон шеърларининг матний тадқиқига доир қисман бўлса-да маълумотлар берилди². Шу билан бирга қилинган нашрларнинг сифати, қайта нашрлар билан боғлиқ муаммолар ҳақида ҳам айрим мақолалар эълон қилинди³. Лекин қайта нашрларнинг матншунослик

²Чўлпон. Бахорни соғиндим (Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи И.Ҳаққул). – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 64 б.; Чўлпон. Яна олдим созимни. – Тошкент: Ғ. Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – 576 б.; Чўлпон. Асарлар. III жилдлик. I жилд. – Тошкент: Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – 448 б.; Чўлпон. Ғўзал Туркистон (Нашрга тайёрловчи: Б. Дўстқораев). – Тошкент: Маънавият, 1997. – 128 б.; Чўлпон. Ойдан-да ғўзал... Шеърлар. – Андижон (Нашрга тайёрловчи: И.Тўлақов), 1997. – 80 б.; Cho'lon. Buloqlar quchog'ida. She'rlar. – Toshkent: Cho'lon, 2007. – 48 б.; Чўлпон. Асарлар. IV жилдлик. I жилд. – Тошкент: Академнашр, 2016. – 368 б.; Чўлпон. Шеърлар. – Тошкент: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси (тузувчи: Мирпўлат Мирзо), 2016. – 48 б.; Йўлдошев Н. Чўлпон шеърлятида инсон ва табиат талқини. – Т.: Akademnashr, 2016. – 98 б.; Чўлпон ва унинг адабий мероси. – Т.: "Mumtoz so'z" (Нашрга тайёрловчи: Б.Ирзаев), 2018. – 138 б.; Cho'lon. Ko'klam ruhi. She'rlar. – Т.: Yoshlar nashriyot uyi, 2019. – 176 б.

³Содик С., Карим Б. Ғўзал Туркистон // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1998 йил, 6 ноябрь; Дўстқораев Б. “Сийна”ни “сана”га алмаштириб бўлмайди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2004 йил, 24 сентябрь; Каримов Б. Тиниклашаётган чўлпоншунослик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2009 йил, 10 апрель;

нуктаи назаридан, қайта нашрларнинг асос матнларга мувофиқлиги нуктаи назаридан махсус тадқиқот амалга оширилган эмас. Мазкур ишимиз бу йўлдаги биринчи ишдир.

Ортимизда катагон туфайли Чўлпон шеърляти ўрганилиши тақиқланган даврларда ҳам хорижда шоирнинг адабий меросини холис ўрганиш давом этган. Жумладан, Усмон Хўжа ўғли, Й.Бензинг, Х.Самиўғлу, Тоҳир Шокир ўғли Чигатой, Боймирза Хайит, Арслон Субутой, Ҳ.Қара, Ҳ.Ўзбой, Эдворд А.Оллворт, Хайрулла Исматилла, Темур Хўжа ўғли ва бошқалар шоир шеърляти билан махсус шуғулланган олимлар саналадилар. Айниқса, Хусайн Ўзбой Чўлпон шеърлятининг матний тадқиқи билан чуқур шуғулланганлиги алоҳида эътирофга сазовордир⁴. 1987 йилда Истанбулдаги Мармара университетида Нармин Эржон профессор Темур Хўжа ўғли раҳбарлигида Чўлпоннинг “Уйғониш” шеърлий тўплами асосида магистрлик диссертациясини ёқлади⁵. Чўлпон шеърлятининг матний тадқиқига доир маълумотлар Индиана университети профессори Хайрулла Исматилланинг илмий изланишларида ҳам кўзга ташланади⁶. Аммо Чўлпон шеърлятининг матний тадқиқи ва илмий-танқидий матнини яратиш масаласи нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётшунослигида ҳам ҳозиргача тўла ўрганилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари” ҳамда ўзбек адабиётшунослиги кафедрасининг 2021-2022 йилларга мўлжалланган А-ОТ-2021-57 рақамли “Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси манбаларининг электрон платформасини яратиш” мавзуларидаги грант лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Чўлпон шеърлятининг қайта нашр қилинишидаги матний тафовутларни аниқлаш ва уларни асос манба билан қиёслаб, илмий-оммабоп ҳамда илмий-танқидий матнини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Чўлпон шеърлятининг шоир ҳаётлик даврида яратилган барча асос манбаларини жамлаш ва уларни муайян хусусиятларига кўра гуруҳларга ажратиш;

қайта нашр нусхаларини аниқлаб, асос манба билан таққослаган ҳолда шеърнинг график шакллантирилиши ҳамда тиниш белгиларини қўллашдаги фарқларни аниқлаш;

Каримов Н. Чўлпоннинг тиниқ олами // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2009 йил, 29 июнь; Каримов Б. Абадият йўлига чиққан шоир // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 2017 йил, 6 январь.

⁴Özbay N. Abdülhamid Süleymanoğlu Çolpan'ın Şiirleri (Metin-Aktarma-İnceleme) (Yayımlanmış Doktora Tezi), Gazi Üniversitesi, Sosyal Bilimler Enstitüsü, Ankara 1992. –757 s.

⁵Ercan N. Çolpan: Uyğaniş (Tenkitli Metin ve İndeks). Yüksek Lisans Tezi. İstanbul, Marmara Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü, 1987. – 136 s. (Магистрлик диссертацияси. Илмий раҳбар: Y.Doç.Dr. Timur Kocaoglu. Marmara Üniversitesi).

⁶Kocaoglu Timur. Türkistan'da Yenilik Harekatları. Хайрулла Исматулла (Khayrulla Ismatilla). Чўлпон ва Жаҳон (Çolpan va Cehân). –S. 227 – 287.

матн транслитерациясидаги хатоликларни аниқлаб, уларни юзага келтирган сабабларига кўра гуруҳлаш;

асос манба ва қайта нашрлардаги шеърларни ўзаро қиёслаб, матн транслитерациясидаги хатоликларни бартараф этиш ва шоир шеърларининг илмий-оммабоп, илмий-танқидий матнини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Чўлпоннинг “Уйғониш” (1922), “Булоқлар” (1923), “Тонг сирлари”, “Соз” (1935); жамоа тўпламлардан: “Ўзбек ёш шоирлари” (1922), “Гўзал ёзғичлар” (1925), “Адабиёт парчалари” (1926) ва матбуотда эълон қилинган шеърлари ҳамда қайта нашрлардан: 1989 йилда чоп этилган “Баҳорни соғиндим”, 1991 йилда нашр қилинган “Яна олдим созимни”, 1994 йили чоп этилган уч жилдлик, 1997 йили нашр қилинган “Гўзал Туркистон”, 2007 йилда босилган “Булоқлар кучоғида” ҳамда 2016 йилда чоп этилган тўрт жилдлик “Асарлар” шеърини тўпламлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Чўлпон қаламига мансуб шеърларнинг асос манба ва қайта нашрларини ўзаро таққослаш жараёнида қайта нашрлардаги матний хатоликларни аниқлаш, шеърлардаги график шакллантирилишни асосий таянч манбаларга кўра белгилаш ҳамда тиниш белгиларини асос манбадан келиб чиқиб, бугунги кундаги пунктуацион қоидалардан фойдаланган ҳолда илмий-танқидий матн яратиш масаласи олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тарихий-қиёсий, структурал, биографик, герменевтик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Чўлпон шеърларининг ҳаётлик даврида нашр қилинган бирламчи манбалари ва кейинчалик қайта чоп этилган нашрларининг фанга маълум бўлган барча нусхалари ҳамда кейинги йилларда аниқланган, ҳозиргача адабиётшуносликка маълум бўлмаган нусхаларини ўзаро қиёслаш асосида илмий-танқидий матни яратилган;

асос манбалардаги шеърларнинг график шакллантирилишига, ёзувда банднинг алоҳида ажратилиши, баъзан қоидадан чекиниб, кичик ҳарф билан бошланиши ёки тўлалигича бош ҳарфлар билан ёзилиши, курсив билан ёзиш каби ҳолатларга муаллиф ижодий иродасининг зухуроти деб қараш, матн дахлсизлиги қоидасига амал қилган ҳолда қайта нашрларда айни шаклни ўзгаришсиз сақлаб қолишни қатъий қоидага айлантириш зарурати исботлаб берилган;

Чўлпон шеърларида фойдаланилган барча тиниш белгилар муайян бир поэтик вазифани бажариши, оҳанг-интонация талаби билан қўлланган тиниш белгиларидан ташқари кўп ўринларда муайян бадиий мақсадни кўзлаб, ўзига хос тарзда қўлланилган белгиларнинг ишлатилиши, уларнинг “муаллиф тиниш белгиси” мақомида эканлиги ва қайта нашрларда буни ҳисобга олиш шарт эканлиги далилланган;

Чўлпон шеърларининг ҳаётлик даврида яратилган асос манбалар билан шоир вафотидан сўнг чоп этилган қайта нашрларини ўзаро қиёслаб, улар ўртасидаги пунктуацион, график шакллантирилишдаги тафовутлар бартараф этилган; 200 дан ортиқ сўз ҳамда 100 дан ортиқ сўзшакллар(асоси бир хил, ammo кўшимчалари ўзгарган)даги матний хатолар аниқланган, мавжуд тафовутлар юзага келиш омиллари нуқтаи назаридан гуруҳларга ажратилган ва тўғриланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Чўлпон шеърларида қўлланилган тахаллуслар масаласи чуқур ўрганилиб, муаллифлиги тўла исботини топмаган шеърларни *Чўлпонга нисбат берилган шеърлар* сирасида чоп этиш зарурати асосланган;

Чўлпон шеърлятидаги новаторлик хусусиятлари шеърларининг график шакллантирилишида, бандларга бўлиниши, мисра қурилиши ҳамда ёндош матн унсурларининг бадий-ғоявий мақсадга бўйсундирилишида намоён бўлиши илмий таҳлил асосида исботланган;

сўз ва сўзшаклларни ўрганиш асосида шоирнинг айрим шеърлари ёзилиш сабаблари – *ижодий биографияси* аниқланган;

қатағон қилинган ижодкорлар асарларини қайта эълон қилишда юзага келувчи муаммолар ва уларнинг омиллари очиб берилган;

қайта нашр қилинган матн асосида яна қайта нашр қилиш асл матндан узоқлаштириб юбориши мумкинлигини эътиборга олиб, қайта нашрга тайёрлашда илк нашр матнига таянишни қатъий қоидага айлантириш зарурлиги асослаб берилган;

Чўлпон шеърларида тиниш белгиларининг қўлланилиши масаласини чуқур тадқиқ қилиш орқали шоир шеърларини, умуман, жаҳид адабиёти вакиллари асарларини қайта нашрга тайёрлашда пунктуация бўйича ягона принцип ишлаб чиқиш зарурати исботланган;

Чўлпон тўпламларидаги шеърлар асос манба ва қайта нашр нусхалари билан қиёсланиб, уларнинг илмий-оммабоп ҳамда илмий-танқидий матни яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Шоир ҳаётлик даврида яратилган шеърӣ тўпламлар ва манбалар асосида қайта нашр нусхаларини ўзаро қиёслаган ҳолда Чўлпон шеърларининг аслиятга мувофиқ матни тиклангани, қўлланилган ёндашув усуллари ҳамда назарӣ маълумотларни беришда муайян илмӣ манбаларга асослангани, назарӣ фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорӣ қилингани, олинган натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмӣ ва амалий аҳамияти. Мазкур тадқиқот натижаларининг илмӣ аҳамияти қатағон қилинган ижодкорлар асарларининг илмӣ-оммабоп ва илмӣ-танқидий матнини яратиш муаммоларининг ўрганилиши ва нашр этиш принциплари ишлаб чиқилиши ҳозирги ўзбек матншунослиги ҳамда манбашунослигига оид қарашларни бойитганлиги билан изоҳланиши мумкин. Бундан ташқари Чўлпон

шеърлятига доир тадқиқотларда эришилган илмий ҳамда назарий билимларни тўлдиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация материалларидан XX аср бошларидаги ўзбек адабиёти тарихига оид тадқиқотларда, магистратура ва бакалавриат босқичлари учун “Жадид адабиёти тарихи”, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Янги ўзбек адабиёти” ҳамда “Матншунослик” фанлари бўйича маърузалар ўқишда, янги дарслик ва қўлланмаларни яратишда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чўлпон шеърларининг матний тадқиқи ва илмий-танқидий матнини яратиш мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида олинган натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

Чўлпон шеърларининг матний тадқиқи, сўз, сўзшаклларнинг қўлланилишига оид фарқлар ва муаммоли ҳолатларни бартараф этишга доир хулосалардан Андижон давлат университетидagi ОТ-Ф1-18-рақамли “Оммавий лисоний маданиятни шакллантириш методлари ва методологиясини ишлаб чиқиш” давлат илмий-техника дастури доирасидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 10 ноябрдаги 89-03-4547-сон маълумотномаси). Натижада матнларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш, миллий ва менталитал томонларини кўрсатиш, турли тилларнинг концептиологик тизимидаги ўзига хослик ҳамда фарқларни аниқлаш, мулоқот маданиятининг турли миллий тиллар тарихи ва тараққиётига доир қарашларни мукамаллаштиришга имкон берган;

аслият ва жорий нашрларнинг қиёсий-матний тадқиқи ҳамда матн табдилидаги хатоликлар ва уларни бартараф этиш тамойилларига доир илмий хулосалардан “Akademnashr” томонидан буюртма қилинган “Чўлпон шеърлари” хронологик тўплами”ни тайёрлашда фойдаланилган. Натижада шоир шеърларининг график шакллантирилиши, тиниш белгиларининг қўлланилиши ҳамда сўз, сўзшаклларнинг қўлланилишига оид фарқларни, муаммоли ҳолатларни бартараф этишга эришилган;

Чўлпон шеърларининг манбалари тавсифи ҳамда аслият ва жорий нашрларнинг қиёсий-матний тадқиқи ҳамда матн транслитерациясидаги хатоликлар, уларни бартараф этиш тамойилларига доир илмий хулосалардан Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг Чўлпон ёдгорлиги бўлимидаги экспозицияларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги 2020 йил 20 ноябрдаги 01-12-10-5204-сон маълумотномаси). Илмий хулосаларнинг қўлланилиши натижасида экспозицияларнинг шоир ижодига оид янги маълумотлар билан тўлдирилишига имкон берган.

Чўлпон шеърляти манбалари ва уларни қайта нашр қилиш муаммолари борасидаги хулосалардан Андижон телерадиокомпанияси “Андижон”

радиосининг “Шукрона” номли адабий, илмий-маърифий эшиттиришида фойдаланилган (Андижон телерадиокомпаниясининг 2020 йил 16 ноябрдаги 20-14/55-сон маълумотномаси). Натижада мазкур радиоэшиттиришнинг илмий ва маърифий жиҳатдан юқори даражада тайёрланишини таъминлаган ҳамда тингловчиларда маданий меросимизга нисбатан хурмат ва муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлашга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-назарий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ҳамда вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, тадқиқот усуллари ва илмий янгилиги ҳамда амалий натижалари санаб ўтилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изоҳланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён этилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, унинг апробацияси ҳамда тадқиқот натижаларининг эълон қилингани, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

“Чўлпон шеърятини манбалари ва уларни қайта нашр қилиш муаммолари” номли биринчи бобда ўтган аср бошларида ижод қилган ва қатағонга учраган ижодкорларнинг асарларини қайта нашр қилишдаги муаммолар ва уларнинг омиллари ҳақида фикр юритилган. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирларидан бошлаб юртимизда ушбу истеъдод соҳибларининг муборак номлари дадил тилга олиниб, уларнинг ижодий мероси чин эгаларига – ўқувчиларга қайтарилди бошланди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг эса бу жабҳадаги ишлар кенг кўламда йўлга қўйилди, ўтган ўттиз йилга яқин вақт мобайнида бу борада жуда кўп ишлар қилинди: кўплаб жаҳид адабиёти ижодкорларининг асарлари газета ва журналларда қайта эълон қилиниб, миллий ўзликни англаш ҳамда миллий руҳни юксалтириш ишига хизмат қилдирилди, мазкур ижодкорларнинг сайланма

китоблари, мўъжаз тўпламлари оммавий тиражларда нашр этилди; хусусан, “Маънавият” ва “Шарқ” нашриётларида Бехбудий, Фитрат, Қодирий ва Чўлпоннинг ҳаёти ва фаолияти, сара асарлари билан таништирувчи туркум китоблар, кўп жилдлик салмоқли тўпламлар дунё юзини кўрди⁷. Лекин масаланинг иккинчи, жуда муҳим томони борки, ҳозиргача бу масалага етарлича эътибор берилмай келинмоқда. Гап мазкур қайта нашрларнинг сифати, аниқроғи, матнларнинг ҳозирги ёзувга ўгирилиши, имлосида кузатиловчи ҳар хилликлар ҳақида. Қайта нашрлар синчиклаб ўқилганда, уларда сўзларнинг ва сўзшаклларнинг ёзилиши, тиниш белгиларининг қўлланилишидаги ҳар хилликлар, шеърларнинг график шакллантирилишидаги тафовутлар, муайян ижодкор тўпламига муаллифлиги тўла аниқланмаган асарларнинг кириб қолиши каби эътирозли ҳолларга қайта-қайта дуч келинади. Мазкур бобнинг биринчи фаслида юқоридаги каби ҳолатларни келтириб чиқарган объектив омиллар тадқиқ этилган. Маълумки, катагон қилинган ижодкорларнинг шахсий архивлари сақланган эмас. Уларнинг айримлари ҳибсга олингунларига қадар эҳтиёт чораси ўлароқ кўлёмаларини йўқ қилганлар; айримларининг архивлари эса ҳибсга олинган пайти йўқ қилинган ёки рўйхат қилиб олиб кетилгандан сўнг изсиз йўқолган. Хуллас, ҳозирда қайта чоп этилаётган асарлардан мутлақ кўпчилигининг кўлёмалари (автографи) мавжуд эмас. Шу сабабли ҳам уларнинг асл матни сифатида муаллифлари ҳаётлик вақтида газета-журналлар, турли баёз, альманах ва ўқув адабиётларида эълон қилинган, шунингдек, муаллифлик тўпламлари ва китобларидаги матнларни қабул қилишга мажбур эканлигимиз ва ушбу нашрлардаги матнларни ҳам мутлақ муаллиф кўлёмаси деб тушуниш тўғри эмаслиги, улар ҳам ўзаро фарқли бўлиши мумкинлигини таъкидлаш лозим. Чунки ҳар қандай асарнинг чоп этилишидан олдин муҳаррирлар томонидан таҳрир қилиниши, матбаачилар томонидан чоп этишга тайёрланиши жараёнида матнда муайян ўзгаришлар содир бўлган бўлиши эҳтимоли жуда катта. Бунинг далили учун 1925 йилда нашр этилган “Ўткан кунлар” романининг 2-қисмига Абдулла Қодирий илова қилган “Узр”ни келтириш кифоя. Унда адиб чоп қилинганида иш устида бўлмагани сабаб биринчи қисм “имлоси уч-тўртта имлочиларимиз томонидан тузатилиб (!) ажойиб бир қуроқ ҳолига келди, мусаҳҳихларимизнинг мусоҳалалари орқасида техника жиҳати кўз кўриб, кулоқ эшитмаган бир йўсинда чиқди”⁸ дея ёзғиради. Шубҳасиз, асарининг китоб ёки вақтли матбуотдаги нашридан бу каби қоникмаслик ҳолати бошқа ижодкорларда ҳам бўлган, бу эса муаллиф кўлёмаси билан илк нашр варианты айнан бир хил эмаслигига кучли далилдир.

⁷ Бехбудий М. Танланган асарлар. 2 жилдлик. – Тошкент: Akademnashr, 2018; Фитрат А. Танланган асарлар. 5 жилдлик. – Тошкент: Маънавият, 2000–2010 йиллар; Қодирий А. Асарлар. 5 жилдлик. – Тошкент: Info Capital Group, 2018; Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. – Тошкент: Akademnashr, 2016.

⁸ Қодирий А. Ўткан кунлар. – Тошкент: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1925. – Б. 124.

Кейинги муаммо сифатида давр матбуотидаги ҳолат таҳлил этилган: турли газета-журналлар нашрий фаолиятни тил ва имло борасидаги ўз қарашларига асосланиб олиб боргани, муҳаррир ва мусахҳихларнинг тил ва имло масаласида бир-биридан кўп жихатларда (умумий савияси, шеваси, тилни ҳис қилиши каби) жиддий фарқлангани, ўзбек адабий тили меъёрларининг ҳали қатъий белгиланмагани ўтган асрнинг 10–20-йиллари матбуотида ўзининг чуқур изини қолдирганлиги, аксар ҳолларда таҳририятда ишловчи муҳаррир ва мусахҳихлар фаолияти билан боғлиқ ҳар бир нашрнинг ўз “шеваси” бўлганлигини қайд этиш лозим.

Жадид адабиёти вакиллари асарларини нашр қилишдаги муаммолардан яна бири – таҳаллус масаласидир. Маълумки, ўрганилаётган давр адабиёти бошқа давр адабиётларидан ижодкорларининг кўп таҳаллус ва имзоларни қўллагани билан ҳам кескин ажралиб туради. Мазкур ҳолат, бир томондан, давр матбуотида ҳукм сурган урф билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, ўзига хос эҳтиёт чораси ҳам эди. Бу таҳаллуслар ва имзоларнинг кимга тегишли эканлигини ҳужжатли далиллар билан эмас, балки кўпроқ оғзаки хотираларга асосланган ҳолда аниқлаштириш ҳолатлари ҳам турли муаммоларни келтириб чиқарган. Ўша даврда қўлланган адабий таҳаллуслар ҳақида Боис Қориев (Олтой) илмий изланишлар олиб борган. Жумладан, олим “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 1967 йил 1-сонидан ўрин олган “Адабий таҳаллуслар ҳақида” номли мақоласида ушбу масалага тўхталиб ўтган⁹. Бундан ташқари, таниқли олим Сирожиддин Аҳмедовнинг таъкидлашича, “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 5 ноябрь сонидagi “Жавоблар” рукнида “Сайёҳ (Чўлпон)... Абдулҳамид Сулаймон афандига: ийди шариф муносабати билан ёзган мақолангиз кечикиб қолди...” деб қайд этилган¹⁰. Тошкентда чиққан бир саҳифалик “РўсГО” деворий газетасининг 1920 йил 20 ноябрь сонида нашр қилинган “Кўмакчилар” шеърида шоир “Кўзойнак” таҳаллусини қўллаган. “Янги Туркистон” журналининг 1927 йил 2–3-қўшма сонида “Тўзал Фарғона” шеъри чоп этилиб, унга “Фарғонали А” имзоси қўйилган. Давр матбуотида имзо-таҳаллус қўллашдаги ҳолатни назарда тутиб, таҳаллус ва имзолар масаласига, у ёки бу шеър муаллифлиги масаласига жиддийроқ қараш зарур.

Жадид адабиёти вакиллари асарларини қайта нашр қилишдаги муаммоларни келтириб чиқарувчи асосий омиллардан бири ёзув ва имлонинг бир неча бор ислоҳ қилинганидир. Мазкур ижодкорларнинг асарлари аввал араб алифбоси асосидаги эски ўзбек ёзувида, кейин шу ёзувнинг ислоҳ қилинган вариантыда, сўнг эса лотин ёзувида чоп қилинган. Қайта нашрлар эса кирилл ва лотин асосидаги янги ёзувда амалга оширилмоқда. Ўз даврида бу борадаги қийинчиликларни бартараф қилиш учун Фитрат бошчилигида 1918 йилда Тошкентда адабиёт, тил ва имло масалалари билан шуғулланувчи “Чиғатой гурунги” ташкилоти тузилганлиги ва ушбу жамият фаолиятида

⁹ Қориев Б. Адабий таҳаллуслар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1967 йил, 1-сон.

¹⁰ Аҳмедов С. Сайёҳ дарवेश Чўлпон экан // ЎзАС. 2007 йил, 24 январь. 8-сон.

алифбо ҳамда имло масалалари муҳим мавқе тутганлиги ушбу фаслда эътироф этилган.

Мамлакатимизда 1926 йилдан бошлаб ислоҳ қилинган араб ёзуви ҳам, янги кириб келаётган ўзбек лотин ёзуви ҳам кенг қўлланилган. 1929–1930 йилдан бошлаб бутун мамлакатда тўла ўзбек лотин ёзуви амал қилинадиган бўлди. Эътиборлиси шуки, Чўлпоннинг тўпламлари мана шу имло ҳақидаги баҳслар кечаётган даврда нашр қилинган эди. Мазкур фаслда ушбу ислоҳотлар таъсири “Ўзбек ёш шоирлари” жамоа тўпламига кирган Чўлпон шеърлари мисолида кўриб чиқилган.

Биринчи бобнинг иккинчи фаслида Чўлпонга нисбат берилган шеърлар ва муаллифлик масаласи тадқиқ этилган. Баъзи нашрларда Чўлпонга мансуб бўлмаган шеърлар унга нисбат берилса, унинг қаламига мансуб айрим шеърлар ҳали-хануз тўпламларига киритилмай келинмоқда, мазкур муаммони атрофлича кўриб чиқиш шоир ҳаёти ва ижодий мероси билан боғлиқ бошқа кўплаб муаммоларни ҳам очиқлашга ёрдам беради.

Масалан, машҳур эрон-тожик шоири Абулқосим Лоҳутий қаламига мансуб “Эрон қизи” шеърининг таржимаси сўнгги тўпламларда Чўлпонга мансуб этилаётганида ҳам кузатилади¹¹. Мазкур фаслда ушбу шеър Чўлпонники эмас, балки Ғ.Ғуломга тегишли эканлиги аниқ далиллар билан исботлаб берилган¹².

Шоирнинг яқинлари, дўстлари, замондошлари хотиралари асосида Чўлпонга мансуб этилаётган шеърларга танқидий нигоҳ билан қараш зарурлиги, токи аниқ ҳужжатли асос топилгунига қадар, шоирнинг ҳаётлик вақтида чоп этилган тўпламларига киритилмаган, давр матбуотида эълон қилинмаган, хуллас, уники эканлигини бешак тасдиқловчи далиллар мавжуд бўлмаган шеърларини “Чўлпонга нисбат берилган шеърлар” рукни остида берилса, мақсадга мувофиқ бўлиши мазкур ўринда таъкидлаб ўтилган. Ушбу рукн сирасига киритилиши лозим бўлган шеърлар қуйидагича таснифланиши мумкин.

1. *Шоир замондошлари, яқинлари хотирасида сақланган шеърлар*. Бу гуруҳга Чўлпоннинг яқин инсонлари, замондошлари бўлган шоирнинг жияни Ўктам Мирзахўжаев, замондошлари Юнус Мақсудов ва Ғуломқодир Норхўжаевнинг хотиралари асосида бизгача етиб келган шеърлар киради. Масалан, “Аламлар ўчоғи, ҳасратлар қучоғи”, “Конфетларни олмангиз санокқа”, “Эй сабо Ленинни уйғот (бу шеърнинг Чўлпон қаламига мансуб эмас, балки Муҳаммадшариф Сўфизоданинг “Хабар олсун” радибли шеъридан парча эканлиги атоқли олим Н.Каримов томонидан айтиб ўтилган¹³)”, “Илҳом ариғи қуриб ётибдир”(Ў.Мирзахўжаев); “Йигит ва қиз айтишуви”, “Билдим энди”, “Баҳор қиз ҳилпиллаб-ҳилпиллаб келди”(Ю.Мақсудов); “Севги сусаярмикан”, “Ҳар бир кўнгил ҳавосига

¹¹ Чўлпон. Асарлар. IV жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 360.

¹² Ғулом Ғ. Мукамал асарлар тўплами. 12 томлик. 9-том. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 758.

¹³ Каримов Н. Чўлпоннинг тиниқ олами // ЎзАС. 2009 йил, 29 июнь. 26-сон.

берилган”, “Лола гулнинг доғидир ҳасратли дилдан кетмаган”, “Кўнглимга ишонмайман”, “Кўнглим яна, кўнглим яна илинди”, “Мен кўнгилни ирғитдим”(Ғ.Норхўжаев) ва бошқалар.

2. *Турли тахаллус ва имзолар остида чоп этилган шеърлар.* Маълумки, Чўлпон ўзининг қатор шеър ва публицистик асарларини турли тахаллус ва имзолар остида эълон қилган. Бу, бир томондан, давр матбуотида урф бўлган, иккинчи томондан, долзарб масалалар ҳақида дадил фикрлар билдирган муаллиф учун эҳтиёт чораси ҳам эди. Чўлпон асарлари остига Қаландар, Мирзақаландар, “Қ”, “Шумғиёҳ” каби кўплаб тахаллус ва имзолар қўйган. Бироқ шуниси борки, Чўлпонники деб ҳисобланадиган имзо ва тахаллуслар билан эълон қилинганки асарларни, шубҳасиз, Чўлпонники дейишга асос борми? Чунки давр матбуотида битта имзо ё тахаллусни бир неча ижодкор қўллаган ҳоллар ҳам мавжуд¹⁴. Шу сабабли ҳам фақат энг ишончли (масалан, “Қаландар”) тахаллуслар остида эълон қилинган шеърларгина тўпламларга Чўлпонники (агар шунга монелик қилувчи ҳеч қандай сабаб бўлмаса) деб, қолганларини “Чўлпонга нисбат берилувчи шеърлар” сирасида киритилиши тўғри бўлади. Мазкур ўринда шоирга тегишли деб ҳисобланган кўпгина тахаллус ва имзолар ҳақида сўз юритилган.

3. *Ўзгалар кўчириб олган қўлёзмалардаги шеърлар.* Бу гуруҳга кирувчи шеърларга мисол қилиб “Шоир Абдулла Алавий вафоти муносабати ила оналари Ҳабибахоним ёзган марсия-ғазалга мухаммас”ни келтириш мумкин. Мухаммас илк бор Н.Каримов томонидан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1992 йил 17 январь сонидан эълон қилинган. Шоирнинг замондоши Юнус Мақсудий ушбу мухаммас ҳақида: “Хайриятки, бу ноёб мухаммаснинг нусхаси Чўлпоннинг синглиси Фоиқа ая билан Музайяна Алавияда сақланган экан. Биз ҳар иккала нусхани адабиётшунос олимимиз Наим Каримов билан бирга таққослаб кўриб, ҳар иккови ҳам бир хил эканига қаноат ҳосил қилдик”. Ўзбекистоннинг икки ҳудудида бир-биридан беҳабар ҳолатда сақланган бу иккита қўлёзманинг бир хиллигини фақат бир нарса билан изоҳлаш мумкин: иккаласи ҳам битта манбадан кўчирилган, катта эҳтимол билан айтиш мумкинки, Чўлпон дастхатидан. Ҳозирча эса шеърнинг кейинги нашрлари Ю.Мақсудовнинг “Шарқ юлдузи” журналидаги мақоласи ва “Улуғлар даврасида” китобидаги матнга асосланиб амалга оширилмоқда¹⁵.

4. *Ўзгаларнинг асарларида берилган шеърлар.* Чўлпоннинг айрим шеърлари бизга ўзгаларнинг асарлари орқали етиб келган. Бироқ уларнинг ҳаммасини ҳам “Чўлпонга нисбат берилувчи шеърлар” гуруҳига киритиб бўлмайди. Масалан, “Лолалар дардини англаган Лола” шеъри. Маълумки, Чўлпон 1925 йилда Лолахон Сайфуллинанинг “Ичкари” романини ўзбек тилига ўгирган. “Лолалар дардини англаган Лола” шеъри ушбу романда Чўлпон томонидан ёзилган сўзбоши сифатида жой олган, шу сабабли бу ўринда муаллифлик масаласи умуман йўқ. Аксинча, Хуршиднинг 1967 йилда

¹⁴ Бу ҳақда қаранг: Қориев Б. Адабий тахаллуслар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. 1967 йил, 1-сон.

¹⁵ Мақсудий Ю. Улуғлар даврасида. – Тошкент: Фан, 1994. – Б. 48-49.

чоп этилган “Танланган асарлар”ида илк бор эълон қилинган “Фарҳод ва Шопур дуэти” ҳақида бундай деб бўлмайди. Дуэтнинг Чўлпонга мансуб экани ҳақидаги фикр илк бор шоирнинг жияни Ўктам Мирзахўжаев томонидан айтиб ўтилган¹⁶. Мазкур ўринда Чўлпоннинг “Гўзал Туркистон” шеъри ҳақида ҳам батафсил тўхтаб ўтилган.

5. *Ҳаётлик вақтида ўзгалар томонидан эълон қилинган шеърлар.* Аслида, айримлар “Гўзал Туркистон”га асос бўлган деб ҳисоблайдиган “Гўзал Фарғона” шеъри “Турли таҳаллус ва имзолар остида чоп этилган шеърлар” гуруҳига мансуб этилиши керакдек. Ҳолбуки, шеър имзо остида чоп қилинганидан ташқари, уни Чўлпоннинг ўзи эмас, ўзгалар эълон қилдиргани ҳам аниқ. Шеър “Фарғонали А” имзоси билан “Янги Туркистон” журналининг 1927 йил 2-3-қўшма сонидан босилган. Ўзбекистонда ушбу шеър илк бор шу матн асосидаги Б.Каримов таъдидида эълон қилинган¹⁷ ва “Асарлар – 2016”га ҳам киритилган. Ушбу фаслда Анвар пошшонинг ўлими муносабати билан ёзилган “Балживон” шеъри ҳақида ҳам тўхтаб ўтилган¹⁸. Мазкур шеърни ҳам “Чўлпонга нисбат берилувчи шеърлар” гуруҳига мансуб этилса мақсадга мувофиқ бўлади, шунда уни ўрганиш зарурати яққол кўриниб туради.

Юқорида Чўлпон ҳаётлик вақтида матбуотда чоп этилган ва шубҳасиз унинг қаламига мансуб айрим шеърлар ҳали-ҳануз тўпламларига киритилмай келаётгани айтилган эди. Ушбу ўринда бу тоифадаги “Турк саломи”, “Бу кундирки”, “Шарқнинг исёни”, “Айрилиш” каби шеърлари ҳақида батафсил тўхтаб ўтилган.

Биринчи бобнинг учинчи фаслида *Чўлпон шеърларининг манбалари* тавсифланган бўлиб, шоир ҳаётлигидаги чоп қилинган китоблар, газета-журналлар, турли альманах ва тўпламларга батафсил тўхтаб ўтилган.

Чўлпон назмий мероси учрайдиган манбаларни куйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) шоир ўзи тартиб берган шеърини тўпламлар;
- 2) ҳаётлик вақтида чоп қилинган жамоа тўпламлари, альманахлар, дарсликлар;
- 3) вақтли матбуот нашрлари;
- 4) турли манбалар (хотиралар, ўзгаларнинг асарлари ва б.)

Мазкур фаслда юқоридаги гуруҳларга мансуб манбаларга батафсил тўхтаб ўтилган.

Диссертациянинг **“Аслият ва жорий нашрларнинг қиёсий-матний тадқиқи”** деб номланган иккинчи бобида Чўлпоннинг ҳаётлик вақтида яратилган манбалар билан жорий нашрлар ўзаро қиёсланган ва шеърларнинг график шакллантирилиши, тиниш белгиларининг ишлатилишидаги ҳар хилликлар, муайян фарқлар масаласига тўхтаб ўтилган.

¹⁶ Мирзахўжаев Ў. Рухият манзилига етдинг // ЎзАС. 1990 йил, 22 июнь. 25-сон.

¹⁷ Каримов Б. Тиниклашаётган чўлпоншунослик // ЎзАС. 2009 йил, 10 апрель.

¹⁸ И.Ҳаққул. Кутулиш юлдузи // Бухоро ҳақиқати. 1995 йил, 27 декабрь.

Чўлпон шеърляти атрофлича ўрганилиб, шеърлари қайта нашр қилинаётганига ўттиз йилдан зиёдроқ вақт бўлди. Бу борада кўп ишлар амалга оширилди, буни, албатта, қадрламоқ керак. Бироқ қайта нашрлар билан илк нашрлар орасида, шунингдек, қайта нашрлар орасида шеърларнинг график шакллантирилиши, тиниш белгиларининг ишлатилишидаги ҳар хилликлар, муайян фарқлар ҳали мазкур соҳада қилиниши керак бўлган ишлар кўплигини кўрсатмоқда.

Бобнинг биринчи фаслида шоир *шеърларининг график шакллантирилишидаги тафовутлар* масаласи тадқиқ этилган. “Шеърнинг график шакллантирилиши” деганда унинг ёзувдаги ифодаси билан боғлиқ жиҳатлар назарда тутилади. Бу ўринда шеърнинг кўзга ташланиб турган (ёзувдаги) томони англашилади. Аслида ўқувчига тақдим этилаётган нарса (матн)нинг шеър эканлигини кўрсатадиган биринчи омил унинг ёзувдаги кўриниши экани шубҳасиз. Ўқувчи матннинг график шакллантирилишига кўзи тушиши билан унинг шеър эканлигини англайди ва уни шеърдек қабул қилишга руҳий жиҳатдан тайёрланади, созланади. Шунинг ўзи ҳам график шакллантирилишнинг муҳим эканлигини англашга етарли асос бўла олади. Бундан ташқари шоир маълум бир информацияни шеърнинг график шакллантирилиши орқали ҳам етказишга ҳаракат қилади. Масалан, ёзувда банднинг алоҳида ажратилиши, бандлар орасига юлдузчалар ёки рақамлар қўйилиши, мисранинг зинапоя шаклида берилиши, сўзнинг катта ҳарф билан эмас, балки қоидадан чекиниб, кичик ҳарф билан бошланиши ёки тўласича бош ҳарфлар билан ёзилиши, ҳарфлар орасини очиқроқ қилиб қўйиш, курсив билан ёзиш кабилар ўқувчига муайян информацияни етказишга хизмат қилувчи график воситалардир.

Шеърнинг график шакллантирилиши лирик асар композициясининг уч аспектдан бири бўлган ташқи (матний) қурилиши билан боғлиқ. Шеърнинг матний қурилиши асосий матн ва ёндош матнлар (рамка унсурлари)дан иборат бўлади. Д.Қуронов бу ҳақда: “Мисра ва бандларга бўлинганлик лирик асарнинг бамисоли “ташриф қоғози”, шунинг ўзиёқ завқли ўқувчида муайян эстетик кутувни – шеър отлик мўъжиза билан учрашиш ҳаяжонини ҳосил қилади ва у беихтиёр маромга солиб ўқишни бошлайди. Бошлабоқ маром ва сўзлар маъноси қўшилишидан оҳангни топади, оҳанг маъноларни бир-бирига пайвандлаб мазмунга айлантиради”, деб ёзади¹⁹.

Шеърнинг бандларга бўлинишида ҳам маълум бир информация бор. Шоир шеърни бандларга бўлганида, ўша банднинг мазмун ва ритмик-интонацион жиҳатдан нисбий тугалликка эга бўлишини таъминлайди. Демак, банд етказилмоқчи бўлган информациянинг муайян даражада тугал қисми бўлади. Шу нисбий тугал ҳолида банд шеърдаги бошқа бандлар (нисбий тугал қисмлар) билан мазмуний алоқага киришади ва ифодаламоқчи бўлган фикрни у ёки бу тарзда ифодаланишига хизмат қилади. Шунинг учун ҳам

¹⁹ Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: “Navoiy universiteti”, 2018. – B. 220.

бандни композиция ҳодисаси дейилади, сабаби, у шаклни муайян мазмун ифодасига мос тарзда ташкил қилиш натижасидир.

Чўлпон бир қатор шеърларининг бошланиши ва охирида иккитадан мисрани алоҳида ажратиб кўяди, ўртада эса мисралар сони турлича бўлган битта композицион бўлак – банд жойлаштиради. “Шоир нима учун ўз шеърини бу тарзда бандларга ажратди? Ушбу шакл ўқувчига қандай кўшимча информацияни етказди?” деган саволларга шу йўсинда бандларга ажратилган шеърларидан жавоб излаб кўрамиз. Чўлпоннинг “Истиклол”, “Тарихдан”, “Яшайиш”, “Юрт қайғуси” каби кўпгина шеърлари шу шаклда, яъни муқаддима ҳамда хотима қисмлари алоҳида ажратилган иккилик банд, қолган мисралар эса ўртада яхлит ҳолда битта бандга жамланган. Масалан, дастлаб “Туркистон” газетасининг 1922 йил 1 декабрь сонидида чоп этилган “Истиклол” шеъри шундай қурилган:

Кирзун тўра истиклолни тарқатадур бемалол,

Шунинг учун билмоқ керак: у қандоғи истиклол!

Мазмунан публицистик шеърнинг биринчи бандида масала қўйилди: Кирзун бемалол тарқатаётган истиклол “қандоғи истиклол?” Даврнинг дунё аҳволидан бохабар ўқувчиси учун бу савол нега қўйилаётгани тушунарли: у Лозаннада кечаётган сулҳ музокараларидан хабардор. Шунинг учун ҳам бундаги кинояни у яхши фаҳмлайди, шоирнинг фош этишга чоғланганини хис қилади, давомидан шуни кутади. Яъни бошлама – муқаддима сифатида бу бандда масала қўйилди, унга шоир муносабати билдирилди ва ўқувчида муайян кутув ҳосил қилинди. Банднинг алоҳида ажратиб қўйилгани айти шу вазифаларни таъкидлайди, қисмининг шу жиҳатдан муҳимлигига ишора қилади. Шундан кейингина 16 мисрадан ташкил топган кейинги банд келади. Энди бошламада савол тарзида қўйилган масала – Кирзун тўра бермоқчи бўлган истиклолнинг қандай шартлар ва хўрликлар эвазига қўлга кириши ҳақида сўз боради. Шоир 16 мисралик 2-бандда “истиклол” бериш шартларини санаб чиққач, бу каби “хўрлик”ка Шарқ давлатлари асло рози бўлмастлигини ўзида мужассам этган сўнгги икки мисрадан ташкил топган 3-бандни келтиради:

Кирзун тўрам, биз биламиз у қандоғи истиклол,

Оладиган аҳмоқ бўлса, бераберинг бемалол!..²⁰

Юқорида таъкидлаганимиздек, ҳар бир банд мазмун ва ритмик-интонацион жиҳатдан нисбий тугалликка эга бўлган қисм саналади, яъни ҳар қандай матн (макроматн) ўз ичидида микроматнларга бўлинади. Д.Қурононов рус адабиётшуноси М.Бахтиннинг гап тушунчасига энг оддий жумладан тортиб бутун бошли адабий асарларгача киритилиши ҳақидаги фикрини маъқуллаб, гап энг кичик коммуникатив бирлик бўлганидек, гаплардан таркиб толувчи

²⁰ Чўлпон. Асарлар. III жилдлик. I жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б.152.

адабий асар ҳам бадиий коммуникация воситаси эканлигини, шу маънода уни ҳам гап дейиш мумкинлигини таъкидлайди²¹.

Шеър дастлаб “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 1991 йил 22 март сонидида қайта эълон қилинган, сўнг “Асарлар–94”га киритилган. Иккала ҳолда ҳам таъдил З.Эшонова томонидан амалга оширилган, шеърнинг бандларга ажратилиши ҳам асосий таянч нусхадаги каби сақланган. Бироқ “Асарлар – 2016” тўпламида шеър иккилик (маснавий) шаклидаги бандларга ажратиб берилган. Ҳақли савол пайдо бўлади: шоир бандларга ажратишдан, шеърнинг ташқи қурилишидан кўзда тутган мақсад “Асарлар–2016” тўпламидаги ушбу шеър нусхасини ўқиган ўқувчига тўла англашиладими?! Бизнингча, йўқ, англашилмайди. Чунки бу билан ҳар бир иккилик банд тенг ҳуқуқда, яъни мазмун ва ритмик-интонацион жиҳатдан ўзаро тенг мақомда бўлади. Натижада илк нашрдаги каби биринчи бандда масалани таъкидлаб қўйиш ва *“киноявий муносабат – бу муносабатни асослаш – хулосавий ҳукм”* шаклидаги қурилиши буткул ўзгаради. Энди маснавий шаклидаги бандлар бир маромда (монотон) ўқилади, илк нашрдаги публицистик руҳга путур етади.

Замонавий шеърятда, хусусан, Чўлпон шеърятда мисранинг бўлиб берилиши ҳам муҳим поэтик воситадир. Чўлпон бу воситани адабиётимизда дастлаб ва самарали қўллаган шоирлардан саналади. Шоир бир мисрага жойлашиши мумкин бўлган сўзларни бежизга алоҳида сатрга ажратмайди, бунда ўша сўзнинг алоҳида интонация билан, мисрага тенг даражадаги алоҳида зарб билан айтилиши, мисра урғусига эга бўлиши кўзда тутилади. Масалан, Чўлпоннинг машҳур “Кўнгил” шеърининг 3-банди асосий таянч нусха ва қайта нашрлардан: “ЯОС” (“Яна олдим созимни”), “ГТ” (“Гўзал Туркистон”) ҳамда “Асарлар– 2016”да қуйидаги шаклда берилган:

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан,
Кишан кийма,
Бўйин эгма,
Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсан!

Лекин “Баҳорни соғиндим” (бу тўпламда ушбу шеър яхлит, умуман бандларга ажратилмаган ҳолда берилган) ва “Асарлар–94” шеърининг тўпламида эса ушбу банд қуйидагича кўриниш олган:

Тириксан, ўлмагансан,
Сен-да одам, сен-да инсонсан;
Кишан кийма, бўйин эгма,
Ки, сен ҳам ҳур туғилғонсан!..²²

Мазкур фаслда шоир шеърларидаги ёндош матн (рамка) унсурларига ҳам батафсил тўхтаб ўтилган.

²¹ Қурононов Д. Чўлпон насрий поэтикаси. Филол. фан. д-ри... диссертацияси автореферати. – Т., 1998. – Б. 19.

²² Чўлпон. Асарлар. III жилдлик. I жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994. – Б. 55.

Ушбу бобнинг иккинчи фаслида таянч манба матнлари ва қайта нашрларда *тиниш белгиларини қўллашдаги тафовутлар* ҳақида сўз боради.

Чўлпон шеърий асарларининг каттароқ қисми араб ёзувида, кичикроқ қисми эса лотин ёзувида чоп этилган. Маълумки, араб ёзувида илгари тиниш белгилари деярли акс этирилмаган, Чўлпон асарлари чоп этилган даврга келиб эса матбуотда, китобат ишида тиниш белгиларини ишлатиш оммалаша бошлаган. Яъни тиниш белгиларининг аҳамияти, уларнинг ёзма ахборотни етказишда яратадиган қулайликлари англана борган, улар тез суръатда ёзувнинг, ёзма мулоқотнинг ажралмас унсурига айланиб борган. Чўлпон рус-тузем мактабида ўқигани, рус ва чет эл адабиёти билан яқиндан танишлиги учун, рус тили грамматикасини мукамал билгани ҳамда жуда кўп асарларни ўзбек тилига таржима қилгани учун бу борада яхшигина тажрибага эга, кўпчиликдан пешқадам эди. Яъни у тиниш белгиларининг аҳамиятини жуда яхши билган, уларнинг поэтик ифода имкониятлари катта эканлигини яхши ҳис қилган. Шоир тиниш белгиларидан аниқ ифодавий мақсадларни кўзлаб ўзига хос тарзда фойдаланган, бу эса унинг асарларини қайта нашр қилишда матннинг бу томонига жиддий қарашни шарт қилиб қўяди. Чўлпон шеърлари чоп этилган таянч манбаларни қайта нашрлари билан қиёслар эканмиз, шеърларида тиниш белгилари шунчаки, мақсадсиз ё ноўрин ишлатилмаганлигига амин бўламиз. Шунинг учун бўлса керак, Абдурауф Фитрат ўзининг “Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Иккинчи китоб: Наҳф”²³ китобида деярли барча тиниш белгиларининг қўлланишига Чўлпон ижодиётидан, албатта, мисол сифатида фойдаланади. Чўлпон шубҳасиз, ўз даврида ўзбек пунктуацияси ривожига ҳисса қўшган забардаст ижодкорлардан бири саналади. Ушбу фаслда шоирнинг “Кеч кириш”, “Суйган чокларда”, “Улуғ йўлда”, “Шафтолига”, “Сезги” каби шеърларида қўлланган тиниш белгилари аслият ва жорий нашрлардаги нусхалар билан қиёсланган, ўзаро тафовутлари аниқланган.

Чўлпон шеърларида имло қоидаларига тўла мос келадиган ҳолларда ёки оҳанг-интонация талаби билан қўлланган тиниш белгиларидан ташқари кўпинча чўлпонона тарзда, муайян бадиий мақсадни кўзлаб, ўзига хос тарзда ишлатилган белгилар ҳам кўзга ташланади. Масалан, шеърнинг дастлабки икки мисрасидан кейин кўп ўринда нуқтали вергул (;) қўйилиши, кўп нуқта (...)нинг ўрнига ётиқ (горизонтал) ҳолатда икки нуқта (..) ҳамда 4 ёки ундан ортиқ нуқталар (...) қўлланишига гувоҳ бўламиз.

Одатда, истеъдодли ижодкорларда тиниш белгиларидан ўзига хос тарзда, яъни мавжуд имло қоидаларига тушмайдиган ҳолатларда ҳам фойдаланиш кўп кузатилади. Шунинг учун тилшуносликда “муаллиф тиниш белгилари” деган тушунча ишлатилади. Чўлпон ўз даврида кўп нуқта тиниш белгисининг ишлатилиш сарҳадларини кенгайтди. Ҳатто Чўлпонга хос “муаллиф пунктуацияси” кўп нуқта асосида шакллантирилган дейиш ҳам

²³Фитрат. Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Иккинчи китоб: Наҳв // Фитрат. Танланган асарлар. IV жилд. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 175-213.

мумкин. Қизиғи шундаки, Чўлпон ўз даврида тилимизда ҳали қўлланмаган, ҳозирги ўзбек пунктуациясининг асосий қоидаларига эса мос келувчи тиниш белгиларини дадиллик билан қўлади.

